Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 182 (3683)
12 ШАНБА
АВГУСТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



11-«Висотстрой» трестига қарашли хўжалик ҳисоби участкасининг Зокир Мамаюсупов бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари шу кунларда ноёб объект — 4100 ўринли кино-концерт зали қурилишида актив қатнашмоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) Н. Умерова, У. Абдуллаев, Т. Қурбонхўжаев, А. Попова, Д. Ибодов ва бригадир З. Мамаюсуповларни кўриб турибсиз. М. Нуриддинов фотоси.

Эртага — қурувчилар куни

ЗАМОНАВИЙ ВА МУСТАҲКАМ БИНОЛАР ҚУРАЙЛИК!

Беш йилликнинг уч йили топшириқлари — муддатидан илгари

Сифат — диққат марказида

Маҳоратни ишга солиб

• *Ишга тушириладиган объектларда*

ҚУЁШ ШАҲРИНИНГ ҚАВАТЛАРИ

Бизнинг интервью

«Уйғур кўчасидаги «Марказ-26» кварталида ва Г—30 кўчасида тўрт қаватли турар жой бинолари фойдаланишга топширилди». «Бухоро шаҳрида мактаб қурилиши муддатидан илгари битказилди»... Байрам арафасида «Главташкентстрой»га турли жойлардан ана шу руҳдаги хабарлар келиб турди.

Эртага бинокорларнинг кўп миллионли армияси ўзларининг анъанавий байрамларини нишонлайдилар. Пойтахтимизнинг энг йирик қурилиш ташкилотларидан бири Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармаси бунёдкорлари эса ўзларининг байрамини 15-марта нишонламоқдалар. Ўтган йиллар мобайнида уларнинг пешана тери эвазига Тошкент дейрли қайтадан тикланиб, ўта Осиёнинг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Учинчи беш йилликда уларнинг олдида турган вазифалар янада улкандир. Беш йилликнинг икки ярим йили ортда қолди. Ўтган йиллар ичида бинокорлар қандай ишларни амалга оширдилар? «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. НАБИЕВ бу саволга шундай жавоб берди:

— Мана бир неча рақамлар. Ўтган икки ярим йил ичида 1 миллион 690 минг квадрат метр уй-жой, 24.944 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 2 минг киши қатнаб даволанадиган поликлиникалар, 845 ўринли касалхоналар қуриб фойдаланишга топширдик. 320 та саноат, маданий-маиший ва коммунал хўжалик объектлари битказилди, 233 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, план 102 процентга бажарилди.

«Главташкентстрой» бўлинмалари беш йиллик учинчи йилининг биринчи ярим йиллигида катта муваффақиятларни қўлга киритишди.

— Ҳар бир ишни кишилар амалга оширишади. Бош бошқармада тажрибалари бошқаларга ўрнак бўладиган коллективлар кўп бўлса керак.

— Ҳа. Учинчи беш йилликда социалистик мусобақани нақадар кенг кулоч ёйганлигини «Бир беш йилликда икки беш йиллик», «Беш йилликнинг уч йиллик плани — СССР Конституциясининг бир йиллигигача», «Колоқларсиз ишлайлик», «Бригаданинг беш йиллик топшириғи — кам ишчи кучи билан», «Бригада пудрати методига кенг йўл» каби ташаббуслар юзага келганлиги ҳам исботлаши мумкин. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида Н. Злобин методи бўйича 239 бригада меҳнат қилди.

«Жилстрой» трестининг Ф. Третьяков бошлиқ бригадаси монтажчилари нинг тажрибаси тахсинга сазовордир. Бу бригада ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳажмини 18 процентга ўстиришга эришди. 3-трестнинг В. Шавлюк бригадаси маъмурий бино қурилишида бинокорлик ишлари муддатини 30 кунга қисқартирди. Шу трестнинг С. Қудратов бошлиқ бригадаси 25.5 минг сўмни иқтисод қилди.

— Биринчи ярим йилликда қурувчилар олиб борган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

Яқинда фойдаланишга топширилган 6 та мактаблар сафига «Ташавтомаш». Сергели массивларида ва «Марказ-1 А» кварталида қурилаётган мактаб бинолари ҳам қўшилади. Бу ерларда сўнгги ишлар бажариляпти. Учинчи зарбдор йилнинг охирига қадар 478 минг квадрат метр уй-жойлар, тўғрига касалхона, Тошкент медицина институти шаҳарчаси яқинида поликлиника, Ленин комсомоли парки ёнида физкультура даволаш диспансери, 21 та мактабгача болалар муассасалари, 40 та саноат ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилади.

— Тўлаган Набиевич, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган эди. Шундай бўлгач...

— Сизни жуда яхши тушундим. Пленумдан сўнг биз қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган объектларга нисбатан назоратни янада кучайтирдик. Булар ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқув корпуслари, қишлоқ хўжалик институтларининг ўқув-лаборатория корпуси, турли лабораторияларга ва ётоқхоналари, Тошкент районидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли колхозда сут етиштириш комплекси каби қурилишлардир.

Бундан ташқари Бош бошқарма Сирдарё области Мирзачўл районидаги партия XIV съезди номли совхоз билан 1985 йилгача оталиқ ёрдами кўрсатиш шартномасини тузди. Биз ҳар йили совхознинг 25 нафар ёшига бинокорлик касбларини ўргатамиз. Дала шийпонларини ремонт қилиш учун материаллар ажратиб берамиз. «Главташкентстрой»н и н г барча бўлинмалари ҳам қишлоқ механизаторларини ўз оталиқларига олишган.

Леонид Ильич Брежнев комсомолнинг XVIII съездида сўзлаган нутқида капитал қурилишни самарадорликни ошириш учун курашнинг муҳим участкаси сифатида баҳолаган Буни «Главташкентстрой» мисолида ҳам кўриш мумкин. Бинокорларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли қўёш шаҳри йил сайин кенгайиб, гўзаллашиб бормоқда.

В. ЛУКОВ.

• *Ишга туширилган объектларда*

МЕҲНАТ СОВҒАСИ

«Ташинжстрой» трестининг механизаторлари қурувчилар кунини катта совғалар билан кутиб олишди. Беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган трест коллективи ўтган етти ойлик планни ва социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этди.

Байрам олди вахтасида туриб ишлаган 1-қурилиш бошқармасининг А. Кувинский, Н. Ильин, Г. Нам ва И. Батаров, 7-қурилиш бошқармасининг Н. Пархаров, Л. Маранкулин, А. Маслов, Д. Умаров, 8-қурилиш бошқармасининг Б. Валиев бош бўлган бригадаларининг аъзолари юксак кўрсатгичларни қўлга киритдилар.

Муддатидан илгари

1-уйсозлик комбинати монтаж бошқармасининг Владимир Брунченко раҳбарлигидаги комплекс бригадаси 2-Қорасув массивида 70 квартирали турар жой биносини бунёд этмоқда. Бу объектда ўтган етти ой ичида планга кўшимча 50 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигини муносиб кутиб олишга қарор қилган В. Брунченко бригадаси бинони монтаж қилиш ишларини муддатидан бир ҳафта илгари 20 августда тугаллашга аҳд қилган.

• *Свердловскликлар ташаббуси бўйича*

ШАХСИЙ НАМУНА

Бригадамиздаги барча мутахассислар пойтахт қурилишларида ишлаб малака орттирган. Беш йиллик бошидан буён Гавҳар кўчасида мактаб, Бобир кўчасида чет тиллар институтининг ўқув корпуси, Сергелидаги қозонхона ва иссиқлик трассаларини ҳамда бир қатор объектларни қуришда иштирок этдик.

Бригадамизнинг ветераналаридан Василий ва Валентина Сметан, Равил Шамсуддинов, Баҳром Назаров, Сония Ярулина, Эркин Давлатов ўзларининг меҳнатлари билан трест меҳнаткашлари ўртасида обрў-эътибор топишган. Ҳозир улар планларни оширишимизга катта ҳисса қўшишмоқда.

Шу кунларда Халқлар дўстлиги проспектида Н. Злобин методи бўйича турар жой биносини қуряпмиз. Қурувчиларимиз қурилиш материалларини тежашга, графикка қатъий риоя қилишга муваффақ бўлишмоқда. Йил охиригача меҳнат унумдорлигини 11 процентга ўстириш ҳақидаги мажбуриятимизни шараф билан бажаряпмиз.

Барча объектлар «яхши» баҳоларда фойдаланишга топширилаётир. Етти ойликда эришган муваффақиятларимиз беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституцияси кунига қадар бажаришимиздан далолат бермоқда.

Р. ЗИЁЕВ,
«Главташкентстрой» 153-қурилиш трести 39-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи, учта Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери.

ҚЎЛИ ГУЛ УСТАЛАР

Баҳодир Акбаров туғилган куни 1-Қорасув массивида 44-турар жой биносида шу кунги эрталаб бригада коллективи номидан Надежда Бабицина совға қилган яп-янги кўйлакда ишлар эди. Бу аҳил коллективда ҳар бир байрам жуда яхши нишонланади. Бригада аъзолари сувоқчилик ва бўёқчилик ишларини амалга оширишади.

Смена охирида 1-уйсозлик комбинати 21-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи Валерий Дроздов ёш ишчи Акбаровни яна бир марта туғилган куни билан табриклади ва у янги кўйлакни уриштирмасдан ишлаб, нормасини ошириб адо этганлигини таъкидлади.

Дроздов бригадасига доимо ёшларни юборишади. Бу комсомол-ёшлар бригадасида улар тобланишади. Шуниси қувончлики, коллектив бошқарма-да энг илғор ҳисобланади.

— Аввалари фақат сувоқчилик ишларини бажарардик. Ҳамма ишни қилишга улгурардик. — дейди бригадир. — Бекор турмаслик учун оқлаш ва бўяш ишларини ҳам ўзимизга олдик. Кичик механизацияни жорий этиш туфайли кўплаб материалларни тежаяпмиз. Бригада аъзоларидан Равил ва Шамил Бойбековлар, Лариса Деева, Наталья Карева, Ринат Рамазонов ва яқиндагина билим юртини битириб келган Тоҳир Қосимов, Нажим Исҳоқов, Баҳодир Акбаровлар ҳам жуда яхши ишлашяпти.

Тез орада 44-уйда ҳовли ўйлари нишонланади. Бу Валерий Дроздов бригадаси йил бошидан бери қурган 12-уйдир. Бу уйларнинг барчаси яхши сифатга фойдаланишга топширилган.

Уй тўйлари

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасининг бинокорлари шу кунларда пойтахтимизнинг қатор турар жой массивларида мактаблар, болалар боғчалари, турар жойлар ва ётоқхоналарни қабул комиссияларига топширишмоқда.

Луначарское шоссесида тўққиз қаватли турар жой биноси «яхши» баҳода фойдаланишга топширилди. Уни 1-уйсозлик комбинати 27-қурилиш бошқармаси бунёд этган. Шу комбинатнинг 2-бошқармаси бинокорлари 2-Қорасув массивида 12 та беш қаватли уйларни битказди. Бу уйларда 460 оила ҳовли тўйларини нишонлади.

Шолохов кўчасида В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси учун беш қаватли уй-жой барпо этилди. Бу объектлар қурилишида Маноп Ғаниев, Нурали Мирғалиев, Абдувахоб Турдиев, Николай Ванин, Владимир Гомин сингари бригадаларнинг қурувчилари жуда яхши ишлашди.

Юнусободнинг СБ-1 кварталида 48 квартирали тўрт қаватли уй ҳам фойдаланишга топширилди. Уни 4-қурилиш трести 38-қурилиш бошқармасининг Турғун Раҳимов бошлиқ бригадаси қурувчилар кунига совға этди.

Чилонзор, Акмал Икромов ва Сергели районларида ҳам кўплаб объектлар битказилди. Уларни 153 ва 159-қурилиш трестлари бунёд этишган.

Бинокорлар кичкинтойларга ҳам катта тухфалар ҳозирлашди. Қорасув массивида 1568 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси муддатидан бир ой илгари битди. Шу микрорайонда 280 ўринли болалар боғчаси ҳам фойдаланишга топширилди.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ДАРАКЛАР

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЙЛИК

Собир Раҳимов район партия комитетида шаҳар саноат, транспорт ва алоқа корхоналари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинари бўлиб ўтди. Ана шу семинар қатнашчилари шаҳар партия ташкилотларининг кадрларнинг ижрочилик интизомини ошириш, планлар ва мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш соҳасидаги ишини муҳокама қилдилар.

Семинарда Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари З. Абдураҳимов «Қолоқларсиз ишлаш» ташаббусини оммалаштириш бўйича Собир Раҳимов район партия комитетининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари ҳақида доклад қилди.

Семинар қатнашчилари кабель заводи партия комитетининг секретари В. Петровнинг сўзини ҳам эътибор билан тингладилар. Нотиқ корхона меҳнатчиларини планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришда ишчиларни масъулият руҳида тарбиялаш борасида партия ташкилотининг ишлари тўғрисида гапириб берди. «Ташсельмаш» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари С. Носовец партия ташкилотининг мураббийчиликни ривожлантиришнинг шакл ва методлари тўғрисида, «Миконд» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари Г. Чумаченко корхона партия ташкилотларининг иш вақтини йўқотишни ва кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш бўйича партия ташкилотининг бажараётган ишлари тўғрисида гапириб бердилар.

Семинарда партия ташкилотлари н и н г етакчилари 1-автокомбинатдан Ш. Бахтиёров, «Қизил тонг» тикув бирлашмасидан Л. Орлова, Тўқимачилик комбинатидан А. Файзуллаева ва бошқалар тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Г. Халилов қатнашди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Газета л а р д а КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг меҳнатда эришган ажойиб ғалабалари — Прага метрополитени иккинчи линияси қурилишининг муддатидан илгари тамомланиши ва фойдаланишга топширилиши муносабати билан Прага метрополитени қурувчиларига табрик телеграммаси эълон қилинган.

● Учишни бошқариш маркази. Космонавтлар Владимир Коваленок билан Александр Иванченковнинг «Салют-6» — «Союз-29» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичидаги саккизинчи иш ҳафтаси тугамоқда. Бугун экипаж космик материалшунослик борасидаги технологик экспериментларни бажармоқда.

Телеметрик информация маълумотлари ва экипажнинг докладларига кўра, «Союз-6» — «Союз-29» — «Прогресс-3» комплекси ичидаги ҳамма системалар нормал ишлаб турибди. Космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.



◆ БУГУН ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ИККИНЧИ НАВБАТИ ҚУРИЛИШИДА

Бригада марра сари интилмоқда

«Ҳамид Олимжон» ва «А. С. Пушкин» станциялари оралиғидаги ўнг тоннелда лиқ тўла тупроқ ортилган вагончалар кела бошлади.

— Бунинг ҳаммасини икки Николайимиз юклашган,— деди Тошкент метро қуриш трести 2-қурилиш-монтаж бошқармаси участка бошлиғининг ўринбосари Василий Васильевич Скородубов фахр билан.— Звено бошлиғи Николай Южаков ва Николай Харин ҳар кунгидан ҳам яхши ишлашяпти.

Бугун 8-шахтада Константин Тимофеевич Виноградовнинг 65 кишидан иборат комплекс бригадасининг ҳар бир аъзоси қурувчилар куни шарафига зарбдор вахтада туриб меҳнат қилишмоқда. Улар лахим қазиш ишлари планини 120—130 процентдан адо этишаётир, Ҳар ойда планда белгиланган 80—85 погон метр ўрнига 90—100 погон метрдан ер қазилмоқда.

Бу бригада «Ҳамид Олимжон» станциясидан «А. С. Пушкин» станциясигача 956 метр тоннель қазиб кўпчилик ҳурматига сазовор бўлган.

• *Фоторепортаж*

Улар шу кунгача ўнг тоннелда ҳам 230 метрга яқин лахим қазишди. Бу катта меҳнат ғалабасини метросозлар қурувчилар кунига бағишлашмоқда.

Николай Южаков билан Николай Харин унумли меҳнат қилишаётир. Ер ўйиш машиналари бир меъёрда ишлашмоқда. Тупроқ ташийдиган транспортёрлар метросозлар қазиган тупроқларни ташиш билан банд. Бу меҳнат жараёни бир минут ҳам тўхтамайди. Лахим қазиш машинасини Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Иван Телков бошқармоқда. Унинг агрегати доим ишга шай.

Чап тоннелда эса лахим қазиш ишлари тугалланган. Шунинг учун тюбинглар орасини цемент қоришмаси билан шиббалаш ишлари бажариляпти.

— Бу билан биз чеканка ишларининг сифатини яхшилаймиз,—дейди бригада бошлиғининг ўринбосари, учинчи даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени кавалери Тоҳир Муродов.— Шиббалаш ишларини тугаллаганимиздан кейин тоннелга бир томчи ҳам сув тушмайди. Бунга биз кафолат берамиз.



Лахимчиларнинг сўзи билан иши бир. Бу йигитларга ишонса бўлади. Метросозлар декабрь ойининг ўрталарида ўнг тоннелни станция билан туташтириш ишларини муддатидан ўн кун илгари амалга оширишмоқчи. Уларнинг ишлари билан танишган киши бу марра ҳам албатта эгалланишига шубҳа қилмайди.

В. ЭНКЕР.

СУРАТЛАРДА: метросозлар ишчи чизмаларини ўрганишмоқда (чапдан-ўнгга) смена инженери А. Шчекин, участка бошлиғининг ўринбосари В. Скородубов ва бригадир ўринбосари Т. Муродов; машинист И. Телков; лахимчи Н. Южаков.

Автор фотолари.

Қурувчиларнинг олтин қўллари билан

Осмонўпар бинодаги суҳбат

Ринат Гайнулин билан учрашиш учун қурилаётган бинонинг тўққизинчи қаватига кўтарилишга тўғри келди. Бу ерда унинг бригадаси том ёпиш ишларини бажаряпти. Мен тўққизинчи қаватга чиқиб олгач, кафтдагидек яхши кўринаётган шаҳар манзараларига мафтун бўлиб тикилдим. Кейин қурувчиларнинг ишини кузатдим. Шу вақт хартумида қул ранг плитани лопиллатиб минорали кран пайдо бўлди. Кранчи Р. Баталаускас монтажчилар қўли билан кўрсатган жойга плитани эҳтиётлик билан келтирди. Электр пайванд аппарати чақмоқ чақната бошлади.

Бригадир ўрта бўйли, бақувват йигит экан.

— Бизни табриклаган гулсиз келибсиз,— деди у қўлимни маҳкам қисаркан.

Кейин билсам февраль ойида Р. Гайнулин бригадаси беш йиллик планни бажарган экан.

159-қурилиш трести 9-қурилиш бошқармаси пешқадам коллективининг етакчиси Р. Гайнулин билан икки йилу икки ойда қандай қилиб беш йиллик топшириқни бажаришга эришганлиги хусусида суҳбатлашдим.

— Менимча муваффақиятга эришишимизда иш вақтидан унумли фойдаланганлигимиз катта омил бўлди,— дейди у.— Мана уч йилдирки, бригадамизда ишга келмайдиганлар, кеч қоладиганлар йўқ. Меҳнат интизоми жуда мустаҳкам. Коллектив аъзолари бир-бирлари билан ҳамкорликда ишлашади. Ринат менга бригадасининг В. Суворов, Б. Ҳайитбоев, И. Блинялкин, О. Исроилхўжаев, Л. Колпаков сингари аъзолари яхши ишлашаётганлигини айтди. Уларнинг ҳар бири монтажчилик, арматурачилик, пайвандчилик касбларини яхши билишади. Ёшларнинг устозлари.

Пайвандчи-монтажчи Баҳодир Ҳайитбоев тезодолит билан ишлаётганини кўриб ҳайрон бўлдим.

— Биз бу ишни ҳам ўрганиб олганмиз,— деди бригадир.— Энди геодезистлар объектимизда бинони разметка қилиш билангина шуғулланишади.

Бригада бошлиғи минорали кранни ва бошқа механизмларни ҳам ишсиз туриб қолмаслигини таъминлашаётганлигини айтди. Қурилиш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. Бу йил 3 тонна металл тежалди. Ҳар бир ишни биринчи тақдимдаёқ топширишга муваффақ бўлишмоқда.

...Р. Гайнулин билан учрашганимдан бери ярим йил вақт ўтди. Аввалгидай унинг бригадаси «Марказ-14» кварталида кўп қаватли турар жой биноларини бунёд этмоқда. Коллектив социалистик мажбуриятга кўра шу йил 7 октябргача 1981 йил планини ҳам бажаришга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги кунларда ойлик топшириқларини 200 процентдан ошириб адо этяпти.

Н. ПОПОВ.

• *Мусобақа пешқадамлари*

ҚИЗИЛ БАЙРОҚ МУБОРАК!

Ўзбекистон ССР Давлат Матбуот комитетининг полиграфия корхоналари ва китоб савдоси ташкилотларида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ишлар сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубига жавобан социалистик мусобақа кенг авж олдирилди. Ана шу Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашган Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмахонаси, Марғилон шаҳар, Ўрта Чирчиқ район босмахоналари, Тошкент области китоб савдоси бўлимининг коллективлари 1978 йилнинг иккинчи квартали учун зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак натижаларга эришмоқдалар.

Ана шу коллективлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра полиграфия саноати корхоналари ва китоб савдоси ташкилотлари коллективлари ўртасида голиб деб топилдилар ва СССР Давлат Матбуот комитети ва маданият ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг юксак мукофотлари — кўчма Қизил байроқларни қўлга киритишга муяссар бўлдилар.

О. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Давлат Матбуот комитети меҳнатни ташкил қилиш ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи.

Партия ташкилотчиси

КОММУНИСТЛАР АКТИВЛИГИГА ТАЯНИБ

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорлари асосида пойтахт саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасалари коллективларида комплекс тадбирлар плани ишлаб чиқилмоқда. Пленум қарорлари ва ҳужжатлари меҳнат коллективларининг ижтимоий-сиёсий активлигини ғоятда кучайтириб юборди. Бу яна шу нарса билан изоҳланадики, пойтахт бошланғич партия ташкилотларидаги цех партия ташкилотлари ҳамда партия группаларида ҳисобот ва сайлов йиғилишларига ҳар томонлама қизғин тайёргарлик бормоқда.

Махсус мухбиримиз Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети секретари А. ФАЙЗУЛАЕВАдан корхона партия ташкилотида ана шу борада амалга оширилаётган ишлар ва айниқса, ёш коммунистлар активлигини ошириш соҳасидаги тадбирлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида» қилган доклади ва Пленум қабул этган қарорлар комбинат партия комитетининг жанговар иш программаси ҳисобланади. Унда қишлоққа бериладиган оталиқ ёрдамини янада кучайтириш, бунинг «Урюк ва Волга» иттифоқини янада мустаҳкамлаш дағди жуда катта роли алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Корхонамиз партия комитетининг навбатдаги йиғилиши КПСС Марказий Комитети июль Пленуми якунлари ва Калинин районидаги «Текстильщик» совхози ҳамда Жиззах областидаги Мирзачўл районидаги Абай номли совхозга оталиқ ёрдамини янада кучайтириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Унда коммунистлар ғоят активлик кўрсатишди. Дала меҳнатчиларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга, уларга кўплаб механизм ва эҳтиёт қисмлар етказиб беришга шай эканликларини изҳор этдилар.

— Белгилаганган комплекс тадбирлар ичидан айрим муҳим бандларини айтиб берсангиз?

— Бажонидил. Аввало, шуни айтиш керакки, биз июль Пленуми қарорлари юзасидан юқорида номлари тилга олинган совхозларда 1985 йилгача оталиқ ёрдами кўрсатиш тадбирларини белгилаб чиққанмиз. Оталигимиздаги хўжаликларда асосан чорвадорлар меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам, энг аввало, уларга зарур металлар, металл конструкциялари ва техника воситаларини етказиб берамиз. Оталиқ ёрдами учун ажратилган маблағнинг кўпгина қисми чорвадорларга маданий-маиший шароитларини янада яхшилаш учун сарф этилади. Бундан ташқари, чорвадорлар ўртасида корхонамиз коммунистлари, идеология активистлари июль Пленуми қарорлари, ўнинчи беш йилликнинг улкан режалари, мамлакатимиз ва республикамиз ҳаётида рўй бераётган муҳим янгиликлар ҳақида чорвадорлар учун лекция ва суҳбатлар уюштиришади. Ана шу мавзуларга бағишлаб кўплаб кўргазмали агитация воситалари тайёрлаб берилянти.

Шу кунларда комбинатимизнинг барча фабрикалари ва цехларида Пленум қарорлари қизғин муҳокама қилиниб, уларнинг моҳиятини ҳар бир киши қалби ва онгига сингдириш тадбирлари кўрилянти. Сўзга чиққан коммунистлар бу қарорларни қизғин ва тўла-тўкис маъқуллашмоқда.

— Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик июль Пленуми қарорларининг қизғин муҳокама қилинаётган ва уни амалга ошираётган бир вазиятга тўғри келди. Комбинат партия комитети корхона коммунистлари ҳаётидаги бу муҳим воқеага қандай ҳозирлик кўрмоқда?

— Партия йиғилишларининг коммунистларни, айниқса ёш коммунистларни тарбиялашнинг ўзига хос мактаби эканлиги ҳаммага маълум. Цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бўладиган ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик мобайнида биз коммунистларнинг активлигини янада оширишга, ижтимоий-сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятини янада оширишга интиляпмиз. Ўтган йиғилишлардан бирида янги «Автосук» автоматларида тайёрланаётган калаваларнинг сифати кўпгина эътирозларга сабаб бўлган эди. Автоматларнинг техникавий аҳволи тўғрисидаги масала қизғин муҳокама этилди. Ёш коммунист З. Ҳайдарова ва бошқалар бу камчиликка барҳам беришнинг самарали усулини тавсия этишди. Йиғилиш қарорининг ижроси қатъий назоратга олинди. Натижада автоматларга коммунистлар таклифи бўйича янги редукторлар ўрнатилди. Иш сифати кескин яхшиланди. Ипларнинг узилиши салкам икки ҳисса камайди.

Партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар ҳамиша нимчан вазиятда муҳокама юритадилар, янги-янги таклифларни ўртага ташлайдилар. Ишдаги баъзи камчиликларни юз-хотир қилмай очиб ташлайдилар. Бу ўринда мен ёш коммунистларнинг активлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Корхонамиздаги моҳир ишчилар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Лидия Казанцева, Буолма Жўраева, коммунистик меҳнат зарбдорлари Вера Солдатова, Анна Верзилиналардан ўрнак олаётган ёш коммунистлар ишлаб чиқаришда ўз хизмат кўрсатиш зонасини тобора кенгайтирмоқдалар. Булар орасида айниқса Люба Хегай, Дилбар Қулматова сингари ёш коммунистларни тилга олиб ўтмоқчиман. Улар ёш бўлишларига қарамай аллақачон кўпчиликнинг эътиборини қозонишган. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бюросининг аъзоси Люба Хегай бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси шу кунларда янги иш методи асосида пишиқ-пухта ишлар тайёрлашмоқда. Ёки ВЛКСМ Марказий Комитетининг аъзоси Дилбар Қулматованинг олайлик. Бу ёш коммунист ВЛКСМ XVIII съездида қатнашди. У кўп станокчилик ҳаракатига қўшилиб, ишлаб чиқариш тошшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этмоқда.

Корхона партия комитети бу ёш коммунистларнинг қобилияти, ташкилотчилик уқувини ҳисобга олиб, уларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига бириктириб қўйди. Ҳозир комбинат комсомол ташкилотларида 280 дан зиёд ёш коммунистлар иш олиб боришяпти. Шундан 40 дан зиёд киши цех партия ташкилотлари нинг секретарлари ва партия группалари ташкилотчилари бўлиб ишлашяпти. Комсомол ташкилотларида ишлаётган ҳар уч коммунистдан бири комсомол-ёшлар бригадасига етакчилик қилмоқда. Шундан 72 бригадага фақат қизлар бошчилик қилишмоқда!

Шу кунларда цех партия ташкилотлари ва партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишларига сўнгги тайёргарлик кўрилмоқда. Йиғилиш ўтказиладиган жойлар, докладчилар аниқ, барча коммунистларга йиғилишнинг қачон бўлиши хабар қилинган. Энг муҳими, коммунистлар бу муҳим воқеага қизғин тараддуд кўришар экан, унга муносиб меҳнат армуғони билан кедишмоқда.

— Шу ўринда мураббийчилик ҳаракатининг аҳамияти каттадир. Бу ҳақда нималар дея оласиз?

— 2-тўқув фабрикаси меҳнат зарбдори А. Верзилинанинг «Шогирд мураббийга тенглашсин» ташаббуси комбинатимизда кенг қулоч ёйди. Ҳозир бу ҳаракатга ёш коммунистлар етакчилик қилмоқда. Масалан, Д. Қулматова ўз шахсий беш йиллик нормасини аввалгидек уч ярим йилда эмас, балки уч йилда бажаришга интилмоқда. Унинг сингласи Гулбаҳор Қулматова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ҳам кўп. гилдагидек ютуқларга эришяпти.

Йигирувчи Клава Ананьева, З. Ҳайдарова сингари ёш коммунистларнинг меҳнат активлиги барчани қувонтирмоқда. 2-йигирув фабрикасидан Шоира Мавлонова беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституцияси кунигача адо этмоқчи. 1-тўқув фабрикаси коммунистик зарбдори Валя Чеснокова эса бу шонли санагача уч йил-у беш ойлик топшириқни ўринлатмоқчи.

Қисқаси, шогирдлар ўз устозларига тенглашишга интилмоқдалар, баракали меҳнатлари билан коллектив ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Суҳбатни Ҳ. ИКРОМОВ олиб борди.

Жаҳон ойнаси

Деҳқонлар муваффақияти

БЕЛГРАД. Югославия далаларининг меҳнаткашлари бу йил яхши ишладилар. Об-ҳаво шароити анча ноқулай келганлигига қарамай, улар ғалладан мўл ҳосил йиғиштириб олдилар. Тўғри, гектаридан олинган ўртача ҳосил мамлакатнинг бутун тарихида рекорд ҳисобланган ўтган йилгидан бирмунча кам. Аммо дон экинлари майдони кенгайтирилгани учун ҳам дастлабки маълумотларга қараганда, донниг ялпи ҳосили қариб 6 миллион тонна, яъни 1977 йилдаги даражада бўлади. Июль ойида ёғингарчилик қаттиқ бўлганлигига қарамай, ғалла қисқа муддатларда ва нобуд қилмай йиғиштириб олинганлиги деҳқонларнинг катта муваффақиятидир.

Қариб 2 миллион тонна бугдой йиғиштириб олган воеводиналик меҳнаткашлар одатдагидек яхши натижаларга эришдилар.



Новдалардан тўқилган бежирим буюмларни — аёлларнинг сумкалари, сават, енгил мебель, мангалли безакларни Польшанинг истаган еридан харид қилишингиз мумкин. Махсус топзорларнинг маҳсулотн ана шу буюмлар учун хом ашё ҳисобланади.

Жаҳон бозорида сотиладиган тўқима буюмларнинг учдан бир қисмини польшалик ҳунармандлар ишлаб чиқаришади.

СУРАТДА: Скважиндаги Лас кооперативининг устахонасида.

ЦАФ— ТАСС фотоси.

Битим имзоланди

АДДИС-АБЕБА. Бу ерда СССР билан Эфиопия ўртасида савдо кемалари қатнови тўғрисида битим имзоланди. Бу битим юк ташишда Совет Иттифоқи билан Эфиопия савдо кемаларининг иштирок этиши учун тенг имкониятлар берилишини, кемалар қатновини ривожлантиришга, шу жумладан денгиз флоти кадрларини тайёрлашга ёрдам беришни назарда тутади. Бу соҳада ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилик ва ҳар икки томон учун қулайлик негизида олиб борилади. Эфиопия транспорт ва коммуникациялар министри Юсуф Аҳмед битимни имзолаш маросимида сўзга чиқиб, бу битим миллий экономикани юксалтириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди ва у Қизил денгиз районида Эфиопия денгиз пароходчилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади, ҳар иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кўчайтиришга кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

ЯНГИ АНГОЛА БУНЁДКОРЛАРИ

ЛУАНДА. Бутун Анголада меҳнат партияси — МПЛА аъзолигига кандидатлар тайёрлаш ҳаракати кучаймоқда. Корхоналарда, муассасаларда, қишлоқ хўжалик кооперативларида ва халқ озодлик қўролли кучларининг ҳарбий бўлинмаларида вилоят партия органлари раҳбарлигида меҳнаткашларнинг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Йиғилишларда биринчи навбатда моддий неъматларни яратишда бевосита қатнашаётган ва мамлакатни миллий реконструкциялаш жараёнида актив иштирок этаётган кишилар партия аъзолари бўлишлари кераклиги алоҳида таъкидланмоқда.

Мамлакат қўролли кучлари бўлинмаларида бошланғич партия ташкилотлари тузишга катта аҳамият берилмоқда. Меҳнат партияси — МПЛА раиси, АХР президенти А. Нето Мошико вилояти ҳарбий округида бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб, жумладан партия ташкилотлари ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга, қўролли кучларнинг жанговарлик ва мудофаа қобилиятини оширишга кўмаклашиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Партия ҳужжатларини кенг муҳокама қилиш давомида янги Ангола бинокорлари — ишчилар синфи, деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлиларнинг энг яхши намояндалари ва Ангола армиясининг ҳарбий хизматчилари партияга кириш учун йўлланма олмоқдалар.

• *Бинокорлар вахтаси*

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

«Главташкентстрой» 2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш-монтаж бошқармасида В. Абрамовнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. У етакчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари ўзларининг самарали меҳнати, ишни доим сифатли ва ўз вақтида бажариши билан бундай ҳурматга сазовор бўлган.

Бригада йигирма нафар тажрибали, меҳнаткаш бинокорни бирлаштирган. Коллективда қурилишда кўп йиллар меҳнат қилиб, тажриба орттирган бинокорлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири қурилишга энди кедам қўйган ёшларга бинокорлик касби сирларидан сабоқ беришяпти.

Электр пайвандчи Николай Анкудинов, пардозловчи Людмила Чуганюклар ана шундай меҳрибон устозлардан. Улар Витя Жуков, Олег Дмитриев каби ёш қурувчиларнинг устозлари ҳисобланишади. Шогирдлар билан бераётган, тажриба ўргатаётган ўз устозларидан доим миннатдорлар.

Азамат бригада меҳнатсеварлари шу тўрт йил ичида кўпгина қурилиш объектларида меҳнат қилдилар. Марказий статистика бошқармасига қарашли икки бино, У. Юсупов кўчасида қад кўтариб, ўзининг архитектурик кўриниши билан ҳар бир кишининг диққатини жалб этаётган тўққиз қаватли уйлар, Юнусобод, «Мовқа—1». Чилонзор ва бешқайрағоч кварталларидаги кўплаб турар жой бинолари В. Абрамов бошчилигидаги коллектив томонидан қурилган.

Ҳозирги кунда Бешқайрағоч массивида яна бир замонавий услубдаги бино фойдаланишга топширилиш арафасида.

Коллектив бинокорлари сифатли иш бажариб, меҳнат унумдорлигини ўстириш билан бир қаторда тежамкорликка ҳам катта эътибор беришмоқда. Улар зарбдор меҳнат йилида 600 килограмм электрод, 100 килограмм мих, 1,5 кубометр ёғоч, арматура ва шу каби қурилиш материалларини тежашга аҳд қилганлар.

СССР Конституцияси кабул қилинган кунгача беш йилликнинг уч ярим йили топшириғини удалашчи ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган қурувчилар бу йил 800 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаралилар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

ТАННАРХ КАМАЙМОҚДА

3-уй заводида шу йилнинг ўтган даври мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи 27 минг сўмликка камайтирилди.

Корхона коллективи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш бўйича социалистик мусобақани олдирмоқда. Бу ерда янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш планлари актив амалга оширилянти. Бу эса ўз навбатида корхонада техника тараққиётини жадал ривожланишига омил бўлянти. Ана шу фактлар ун комбинати коллективига шу йилнинг ўтган даври мобайнида планга қўшимча 395 минг сўмлик олий навли ун реализация қилиш имконини берди.

Корхона коллективи ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили планини ССР Конституцияси нинг бир йиллиги кунига қадар бажаришга аҳд қилган. Бу марра томон дадил одим ташлашга Т. Шоюнусов, Ш. Абдусаломов сингари пешқадам ишчилар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Улар кунлик топшириқни муттасил 120 — 125 процент адо этишга эришишянти.



Коммунистик меҳнат зарбдори Қобил Усмонов «Главташкентстрой»нинг «Строймеханизация» трестига қарашли 8-механизация бошқармасида кўтарма кран машинисти бўлиб ишлайди. У шаҳримиз қурилишларида фаол иштирок этмоқда. Ҳозир Қобил Усмонов Охунбобоев майдонида бунёд этилаётган 1000 ўринли «Москва» меҳмонхонаси қурилишида меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Қ. Усмонов.

◆ ШАҲРИМ — ФАХРИМ

ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Проспектлар ва магистрал йўллар атрофига чим ётқизиш ва кўчаларни шу усулда ободонлаштириш шаҳримизда кенг оммалашмоқда. Ҳам кўчаларга кўркамлик бахш этадиган, ҳам йўллар чангини ютадиган чимзорлар кун сайин кўпайиб боряпти. Яқинда Куйбишев районидаги Свердлов, Красновосточная ва бошқа кўчалар атрофига чимзорлар билан безанди.

Шу кунларда райондаги Қори-Ниёзий, Урицкий кўчалари атрофига ҳам чим ётқизилмоқда. Бу кўчаларнинг сугориш тармоқлари ҳам ремонтдан чиқарилиб бетон ариқлар ўрнатилмоқда. Путилов, Генерал Петров, Черкасская, Сирдарё кўчаларида минг квадрат метрдан ортиқ жорий ремонт ишлари амалга оширилди. Троицкий шоссесида эса сугориш тармоқларини тозалаш, кўкаламзорлаштирилган зоналарни тозалаш ишлари олиб борилянти.

Фойдаланишга топширилди

Урта Осиёда жуда катта Кўнғирот-Кулсора қувур-ариғининг қуввати қариб икки баравар ошди. «Средазтрансгаз» бирлашмасининг коллективи 10 минг киловатт қувватли янги насос станциясини фойдаланишга топширди. Эндиликда ҳар куни Усть-Юртга Амударёнинг 35 минг куб метр суви берилмоқда.

600 километрдан ошадиган қувур-ариқ Усть-Юртдан ўтиб Ўрта Осиё— Марказ газ қувурининг 9 та компрессор станциясини, локомотив депосини, Кўнғирот— Бейнов темир йўлининг станцияларини ва разъездларини, қидирувчилар, қурувчилар, йўл қурувчилар, чорвадорлар коллективларини ичимлик суви билан таъминлаб туради. Қувур-ариқ ёрдами билан анча ер чорва яйловларига айлантирилди. Бу яйловларда Қорақалпоғистон ва Қозоғистоннинг яқин атроф районларидаги хўжаликлар чорва-молларини боқмоқда.

Ҳозир қувур-ариқ бошида суви марказлашган ҳолда тозаловчи кучли иншоотлар қуриб битказилмоқда. Улар шу йил фойдаланишга топширилгач, жойларда шундай қурилмалар ишлатиш зарурати қолмайди: Усть-юртдаги жўмраклардан ичимлик сув тушади.

(ЎзТАГ).

Меҳнатни баракали қилади

Тошкент область касалхонаси ва санитария маорифи уйи ҳудудида пахтакорларга бевосита далада хизмат қиладиган ёдгорлар мавсумий бригадаси тузилган. Бу «Сиҳат-саломатлик маршрутлари»нинг ишлаб чиқилган графиги областдаги барча хўжаликларни қамраб олади. Медицина ходимлари дала шийпонларида қишлоқ меҳнаткашларини и н г санитария-гигиена шароитлари билан, болалар мавсумий боғчаларини ва ясли-лараларнинг ишчи билан таништиришлар, пахтакорлар ва механизаторларни профилактика кўрикларидан ўтказадилар, тегишли маслаҳатлар беришади. Соғлом турмуш негизлари, турли касалликларнинг олдини олиш тўғрисида суҳбатлар ўтказишади.

Республика Соғлиқни сақлаш министрлигида ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларича, ҳозир Ўзбекистоннинг барча областларида шундай сайёр медицина ходимларининг бригадалари ишлаб турибди. Қашқадарё областидаги Нишон районида деҳқонларга кўчма поликлиника хизмат қилмоқдаки, бу ерда беморларни турли мутахассисликка эга бўлган олти нафар юқори малакали врач қабул қилади. Андижон областининг Жалақудуқ ва Кўргонтепа районларида ана шу районлардаги ва область муассасаларидаги медицина ходимларининг ташаббуси ҳамда бўлими билан колхозларнинг бригада шийпонларида доимий ишлайдиган «Сиҳат-саломатлик бурчаклари» ташкил этилган. Республика қишлоқ йўлларида 120 автомобиль фургони — кўчма аптекалар қатнаб турибди, дала шийпонларига керакли дорилармонлар, санитария ва гигиена буюмлари билан 150 мингдан ортиқ универсал аптечка топширилган. Хўжаликларда барпо этилган мавсумий боғчалар ва яслилар она ва болалар учун зарур ҳамма нарсалари бор бўлган махсус аптечкалар билан таъминланган.



Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўртасида беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда бажариш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Мана бу фотолавҳада Сиз бирлашма қошидаги офсет босма фабрикасининг зарбдор полиграфчилари — моҳир печатниклар (чапдан-ўнгга) Алишер Зияев ва Камол Сайидхўжаев ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар мусобақада пешқадам лик қилишяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

Тошкент оқшомида босилганидан кейин

«Ҳақли эътироз»

Газетанинг 16 июль сонида трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли айрим жойларда санитария ҳолатига эътибор берилмаётгани юқоридаги сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

Бошқармадан олинган жавобда бундай дейилади: Қорақамишдаги диспетчерлик бинои олдидаги ахлатлар уюми олиб ташланди. Диспетчерлик бинои тартибга келтирилди. Соябонли ва скамейкалар қўйилган янги бекат ишга туширилди.

«Билет қани?»

Газетанинг шу сарлавҳа остида босилган материалида 11-автобус маршрутида йўловчиларга кўпинча олинган пулга билет берилмаслиги танқид қилинган эди.

«Главташпассавтотранс» бу фактни текширди. Чиндан ҳам айрим кондукторларнинг билет бермаслиги факти аниқланди. Мақола 2519-автоколоннанинг партия-хўжалик активи йиғилишида кўриб чиқилди. Кондукторлар Хайриддинова ва Латковичларга виговор, Яшинага қаттиқ виговор берилди. Бу ҳолнинг қайтарилмаслиги чораси кўрилди.

БЕМОРЛАРНИНГ ШЎРИ

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларда медицина хизмати кўрсатиш тобора қимматга тушмоқда.

Кейинги ўн йил ичида АҚШдаги касалхоналарда даволаниш қиймати йилига ўрта ҳисобда 15 процент ошиб борди. Бултур америкаликлар касалхоналарда даволанганликлари учун сарфлаган жамики ҳаражат 66 миллиард долларга етди, яъни улар бундай даволаниш учун 1968 йилдагига нисбатан 19 миллиард доллар кўп пул тўлайдилар.

Шу муносабат билан АҚШ соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот министри Ж. Калифано шу нарсани эътироф қилишга мажбур бўлдики, ҳар уч америкаликдан иккитаси касалхонада даволанганлиги учун пул тўлашга мажбур бўлиб, бутунлай пулсиз қолади ва бу нарса уннинг хонавайрон бўлишига асосий сабаб бўлади.

Медицина хизмати кўрсатиш жуда қимматга тушаётганлиги деб ёзади «Пэрейд» журнали. АҚШда спиистеъмол ичимликларининг энг ёмон турларини вужудга келтиради. Қўшма Штатларда ҳар йил камида 2,5 миллион кишини ҳеч бир зарурат бўлмагани ҳолда операция қилмоқдалар. Бундай беҳуда операция қилдирганлар бунинг учун йилига 3,5 миллиард доллар пул тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Америка врачлари лабораторияларда анализ қилиш учун ҳам ана шундай «бемалол» буйруқ бераверадилар, баҳоланни беморларнинг кўплари учун бундай анализларнинг кераги йўқ. Расмий маълумотларга қараганда, бундай анализларнинг қарийб ярми ҳеч бир заруратсиз қилинмоқда.

Табиат ва монополиялар

БОНН. Августининг қуёшли кунларидан бирида эрталаб Вупперталь устида саргишяшил тусли жуда катта газ булути пайдо бўлди. Бу булут «Байер» концерни химия заводининг газ қувури ташлиб қолганлиги сабабли чиқиб кетаётган хлордан ҳосил бўлган эди. Полиция тревога кўтариб, аҳолини эҳтиёткор бўлишга даъват этди. Шундай бўлса ҳам, анчагина кишилар жиддий заҳарланди. Концерн хўжайинлари устига ҳатто айб ҳам қўйилгани йўқ. «Унзере цайт» газетаси мухбирининг нега шундай қилинди, деган саволига шаҳар маъмуриятининг расмий вакили жавоб топиб беролмади.

Вупперталдаги бу шармандали воқеа Германия Федератив Республикасидаги саноат концернларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга жинояткорона муносабатда бўлаётганлигини кўрсатувчи ягона факт эмас.

Фақат ҳавонигина эмас, тупроқни, ер ости сувларини, дарёларни ҳам бўлғатмоқдалар. «Унзере цайт» газетасида босилган хабарда айтилишича Франкфурт-Майндаги «Хёхст» номли иккита катта химия заводи ҳар кун Майн дарёсига 800 тоннадан кўпроқ заҳарли моддалар — хлоридлар ташламоқда. Завод буни Гессен ўлкаси ҳукуматининг рухсати ва розилиги билан қилмоқда. Маълум бўлишича монополия ҳўжайинлари 1999 йилгача Майн дарёсига саноат чиқитларини ташлай беришга ўтган асрда олган рухсат олган эканлар.

Бундай фактлар Германия Федератив Республикаси жамоатчилигини газаблантирмоқда. Германия Коммунистик партиясининг Гессендаги ташкилоти монополиячиларнинг жиноий ҳаракатларига ва ҳукуматнинг бунга йўл қўйиб бераётганлигига қарши кескин норозилик билдирди. Бу ташкилот Гессен ҳукуматига мактуб йўллаб, Майн дарёси сувини булғатишни ва заҳарлашни тўхтатиш керак, дарёни заҳарловчиларни жавобгарликка тортинглар, деб талаб қилди.

ЧИГИРТКА ПАЙДО БЎЛДИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг шимолида ва шимоли-ғарбида чигиртканинг катта-катта галалари пайдо бўлди. Улар янги ҳосилга таҳдид солмоқда. Чигиртка мамлакатнинг бошқа районларига ҳам ёйили-ши хавфи бор. Маъмурлар чигирткани қириш учун шошилинч чоралар кўришмоқда. зарарли ҳашаротлар бу йил шу билан иккинчи марта ёпирилиб келди. Июнь ойида чигиртканинг жуда катта галалари Ражастон ва Гужарот штатларининг қишлоқ хўжалигига катта зарар етказган эди.

(ТАСС).

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

◆ Ҳеч бир иш саъйи, ғайратсиз битмайди, ўз жойида ишлатилмаган саъйи-ғайратдан маъно чиқмайди.

◆ Ҳаммадан кўра кўпроқ ўз дўстларининг келтирадиган зарарларидан кўрқ, чунки улар сенинг кучсиз нуқталарингни биладилар.

◆ Абдураҳмон Жомий айтади:

— Ҳакимлар иттифоқи бўйича, беш нарсага, яъни соғ-саломатликка, хотиржамликка, кенг ризқ-насибага, самимий, меҳрибон дўстга, роҳат-фароғатга эга бўлган одам умрини тинчликда, шод-хуррамликда кечиради.

◆ Суқрот ҳаким айтади:

— Нодон одам ўз нодонлигини сукут этиб билдирмаса, шунинг ўзи билан ҳам уни оқиллардан ҳисоблаш мумкиндир. Лекин нодонлик билан сукутнинг иккиси бир одамда жам бўлмайди.

◆ Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Меҳру-шафқат ва лутф-карам эшигини дўстлари юзига очиб қўйган, уларнинг ҳожатларини чиқарган дўст—энг самимий дўстлардан саналади. Дўстидан биронта нарсасини аяган одам дўстликка ярамайди.

◆ Шайх Саъдий айтади:

— Бир донишмандан: — «Саховат билан шижоатнинг қайси бири яхшироқ?» — деб сўрадилар. Донишманд: «Кимда саховат бўлса, у кишига шижоатнинг ҳожати йўқдир», — деб жавоб берди.

◆ Фаридуддин Аттор айтади:

Ўзгалар қадрини бил, эй муҳтарам,
Токи билгайлар сенинг қадрингни ҳам.
Порсолар сухбатин килгил талаб,
Бўл тавозеъ бирла, бўлма беадаб.

◆ **ҲИКОЯТ:** — Бир подшоҳ мунажжимлардан бирини чақириб:

— Менинг севган канизагим қачон ўлади? — деб сўрабди. Мунажжим канизакнинг касал бўлиб ётганини биларди. Шунга кўра:

—Канизагингиз тез кунда ўлади, — деди. Тасодифан эртаси куни канизак вафот қилди. Подшоҳ аччиқланиб, мунажжимни чақиртириб олиб:

— Демак, сен кимнинг қачон вафот этишини билар экансан, айтчи, ўзинг қачон вафот этасан?—деб уни қийин-қистовга олди. Мунажжим ўзининг ўлишини билиб, дарҳол подшоҳга:

— Юлдузларга қараб ҳисоб қилишимча, сиздан икки кун олдин ўламан, — деб жавоб берди. Подшоҳ ўзининг ажалидан кўрқиб мунажжимни ўлдириш ниятидан қайтди.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА

Оила бошлиқлари бўлган ота-она болаларининг ишларини доимо назорат қилиб туришлари лозимдир, чунки ҳар бир ишини кузатиб ва ҳар бир ҳаракатини ўлчаб, оғиз ва қулоғини, қўл ва оёғини текшириб турувчилардан узоқлашган ёш болани ёлғон ва ярамас сўзлар сўзлашдан, алдашдан, ҳийла-найрангдан, сўкишдан нима нарса манъ қилиши мумкин!

Болалар ҳар бир эзгу ва гўзал ишни бир ердан намуна этиб олишга муҳтождирлар. Шундай экан, ота-оналардан, мураббий ва мураббиялардан узоқда бўлган болалар гўзал аҳлоқ тўғрисида кимларни ўзларига намуна этиб олишлари мумкин?

Бола ҳузурида ота-онанинг бўлишлари, бир нарсадан манъ этишларигина етмасдан, балки, фойдали хабарлар сўзлашлари, илм-маърифатга муҳаббат эттирадиган нарсалар талқин этишлари лозимдир.

Бировни алдаш, ғийбат қилиш, чақимчилик, ёлғончилик каби нарсаларнинг ёмонлигини доимо болага уқдириб туриш керакдир. Ота-она ва оила ичидаги катталар шу ёмон ишлардан аввал ўзлари сақланишлари шартдир. Болаларнинг турли бузуқликдан пок—соф бўлишларини истаган, орзу этган ота-оналар учун энг яхши йўл шу йўлдир.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

• *Ўзбекистон—жаҳон даврасида*

ЕФРАТНИНГ ИСТИҚБОЛИ ОЧИЛМОҚДА

Мана беш йилдирки, ўзбекистонлик ирригаторлар Сурияннинг асрлар давомида қақраб ётган кўрик ерларини ўзлаштириб, ерларга оби ҳаёт тақдим қилмоқдалар. Чунончи, Сурияннинг шимолида жойлашган Ефрат сув омборини қуришди.

Бу ўлканинг табиати ниҳоятда ажиб. Ҳамсин чўлидан бу ерга ойлаб иссиқ, гармсел шамоли эсиб, қуёшнинг ҳалдан ташқари иссиғи борлиқни қовжиратади. Ерли халқлар илгари ҳам бу ерларни ўзлаштириб обод қилишга уринишган бўлса керак, қуриб қолган қудуқларни, ташландиқ ирригация шахобчаларини кўриш мумкин.

Совет мутахассисларининг ёрдамида катта дарё— Ефрат бўғилиб, катта сунъий денгиз қурилди. У ўзига 12 миллиард кубометр сувни сиғдиради. Бу сув билан 600 минг гектар ерни ўзлаштириш мумкин. Сув табиатни тубдан ўзгартирмоқда, бир неча километрга чўзилган яланг қумликлар ўрнида бугдойзор ва пахта далалари пайдо бўлмоқда. Қишлоқлар, шаҳарлар қурилипти. Биринчи бўлиб Сурия чўлига ас-Саур номли шаҳар (арабча «Революция» демакдир) ҳужум бошлади.

СССР Халқаро шартнома асосида Давлат хўжалигини тузиш учун бир неча йилдан бери техника ёрдам берянти. Давлат хўжалигининг 4 минг гектар ерига пахта экилади. 17 минг гектар ерга суғориш тармоқлари қурилади. Маскана массиви қўрик ерларни ўзлаштириш соҳасида катта лабораторияга айланиб қолди. Бу ерда илғор техника, илғор суғориш усуллари қўлланилди.

Суриялик қурувчилар билан қўл отрядлари ўзбек ирригаторлари қўлни-қўлга бериб катта ҳажмдаги ишларни бажаришмоқда. Ўзбекистонлик ирригаторлар ўзларининг бой тажрибаси, билимини суриялик қурувчиларга ўргатишмоқда.

Шу кунларда Маскана массивидаги 17 минг гектар ерни ўзлаштириш бўйича қурилади гидроиншоотларнинг лойиҳасини тугатиш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Асбоблар монтаж қилиниб ўрнатилди. Бу ерлар ўзлаштирилиши натижасида, яъни Ефрат сув омбори ишга тушиши билан суғориладиган ерлар икки марта ортади.

Т. ШОЮСУПОВА,
«Узорғтехстроймелиорация» трестининг ходими.

ШАНБА ОҚШОМИ

◆ ЯХШИ ДЎСТНИНГ МЕҲРИ—ҚУЁШ ◆ ГЎЗАЛЛИК — ТАБИАТ ЭҲСОНИ ◆ ТАЖРИБАНИНГ КАТТА САМАРАСИ ◆ ҚУМДА УЧАДИГАН ЖОНИВОР ◆ ТАРИХ САҲИФАСИДАН БИР ВАРАҚ.

КОМСОМОЛЛАР ЖАСОРАТИ АБАДИЙ

Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилган ўзбекистонликлардан 250 дан ортиқроқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган. Ана шу қаҳрамонона шон-шуҳрат йилномасига ўнлаб комсомолларнинг номлари, масалан, Вальдемар Шаландин, Виктор Маляков, Евгений Уткин номлари ҳам ёзилган. Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг музейида ана шу туркистонлик комсомолларга, Ватаннинг довюрак ўғлонларига бағишланган кеча ўтказилди. Ўз ҳарбий хизматини эндигина бошлаётган ёш жангчилар даҳшатли уруш йилларида уларнинг тенгқурлари кўрсатган жасорат тўғрисидаги ҳикояларни эшитдилар. Улар ВЛКСМ 60 йиллиги арафасида «Жангчи комсомоллар Ватан учун жангларда» мавзуига бағишланган янги экспозицияни тўлдиниб кўздан кечирдилар.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида комсомоллик даври бошланган, босмочиларга қарши курашган кишилар бу кечаларда сўзга чиқишди. Ветеранлар комсомолларга ўз хотираларини сўзлаб берар эканлар, улар бошлаган иш содиқ кўлларда эканлигини, авлодлар эстафетаси шараф билан давом эттирилаётганлигини фахрланиб таъкидлаб ўтдилар. (ЎзТАГ).



Шаҳримиз марказида жойлашган Максим Горький номли болалар боғида сайр этишнинг ўзига хос гашти бор. Бу ерда сув каруселида сузиш ҳар бир киччинтойга завқ-шавқ бағишлайди.

ХИЁБОНнинг икки чеккасида адл сарв дарахтлари бўй чўзган. Улар шу қадар ям-яшил, шу қадар текис, бўйи шу қадар баравари, гўё кимдир атайлаб тарашлаб қўйгандай. Хиёбондан ўтиб юқорилаб бораверасиз. Энди бир текис бўй чўзган ҳурмо дарахтлари кўзга чалинади. Ундан нарида эса фил оёғига ўхшаган «Фил пальмаси» деб ном олган дарахтзор бошланади. Гуллаб ётган кактуслар сизни беихтиёр ўзга қитъага етаклаб кетгандай бўлади. Яна ҳам нарироқда ёнғоқдек баландлаб кетган ажиб дарахтлари кўзга ташланади. Олисда, яшнаб ётган гулзор ортида товуслар қичқириғи эшитилади. Яқин боришингиз билан товуслар осойишта қадам ташлаб, ёнингизга келади.

Яна ичкарига кириб борасиз. Шунда алоҳида манзарани кўрасиз. Худди ёнғоқникига ўхшаган қалин, қизғиш, ялтироқ япроқли дарахтлар саф тортган хиёбонга кириб қоласиз. Дарахт шохларида худди чинни косага ўхшаш улкан гуллар барқ уриб ётади. Нафис гул ҳидидан бошингиз айланиб кетади. Бу —магнолиядир. Бу «жаннат дарахти»нинг гўзаллигини кўп шоирлар куйлаган. Сочи шаҳрининг қоқ марказида жойлашган «Дендрарий» паркида етти иқлимнинг ҳаммасини кўргандек бўласиз. Бу ерда Жанубий Америка кактусларидан тортиб, Ливан кедрларигача, Шимолий дубидан тортиб, Ўрта Осиё ўрикларигача, Калифорния пальмасидан тортиб, Австралиянинг эвкалипт деган улкан, шифобахш дарахтигача ҳаммасини кўришингиз мумкин. Бу жаннатмакон парк XIX асрнинг охирида журналист Худеков томонидан илк бор бунёд этилган.

Боғ ичида яна бир галати дарахт бор. Унинг атрофи сим тўр билан ўраб қўйилган. Ҳеч кимни ёнига яқин йўлатишмайди. Ўзи катта бўлса ҳам япроқлари майда бу дарахт заҳарли бўлгани учун унга қўл теккизиш мумкин эмас. Бирон еринғиз тегса, қатиқ куйдиради. Бу — Виктория — круциан дарахтидир.

Сочи шаҳрининг ўртасидан ўтган катта йўл боғни иккига бўлиб туради. Агар осма вагонлар ёрдамида боғ тепасига чиққан бўлсангиз, қайтишда пиёда тушиб ер ости йўлидан ўтиб, боғнинг иккинчи қисмига киришингиз мумкин.

Сочининг энг гўзал жойларидан бўлмиш бу боғ ҳар йили миллионлаб кишиларнинг кўзини қувонтиради.

Н. ВАЛИЕВ.

• *Сайёҳ саргузаштлари*

ЖАННАТМАКОН БОҒ

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. СОЛИЖОНОВ: Судларда ташкил этилган халқ маслаҳатчилари кенгаши қандай ҳуқуқ ва бурчларга эга?

Жавоб: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси суд тузилиши қонунига кўра халқ маслаҳатчилари кенгашлари тегишли суднинг раиси ёки унинг ўринбосари кўрсатмаларига биноан халқ маслаҳатчиларига суд органларига граждалардан тушган хат, ариза ва шикоятларни, судларнинг давлатга ёки жамоат ташкилотларига етказилган зарарни ундириш тўғрисида чиқарган ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари ва ажримларининг шикоясини текшириш каби топшириқлар беради.

Бундан ташқари, халқ маслаҳатчилари кенгашлари ҳуқуқ-тарбиотни ва социалистик турмуш қоидаларини сақлашда ўртоқлик судлари ва бошқа жамоат ташкилотларига ёрдам кўрсатиш, жиноятларнинг ва ҳуқуқ тартиботларни бошқача бузиш ҳолларининг олдини олиш юзасидан тарбиявий-профилактик ишлар олиб бориш, шунингдек суд раиси ёки ўринбосари билан келишиб, бошқа тадбирлар ўтказиш ҳақида халқ маслаҳатчиларига топшириқлар берадилар.

* * *

А. ЖАЛОЛОВ: Ишдан бўшаётган ходимга меҳнат дафтарчасини бериш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Ишчи ёки хизматчи ишдан бўшатилганда мазкур корхонада муассаса ва ташкилотда ишлаган бутун вақти мобайнида меҳнат дафтарчасига ёзилган иши тўғрисидаги тақдирлаш ва мукофотлаш ҳақидаги ҳамма ёзувлар раҳбар нмзоси билан ҳамда корхона, муассаса, ташкилотнинг муҳри ёки кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланади.

Ишчи ёки хизматчи ишдан бўшаган куни маъмурият ишдан бўшатиш тўғрисида ёзув киритилган меҳнат дафтарчасини унинг қўлига бериши лозим. Ишчи ёки хизматчи вафот этган тақдирда меҳнат дафтарчаси унинг қариндошлари қўлига тилхат билан берилади ёки уларнинг талабига биноан почта орқали юборилади.

* * *

К. ТУРОПОВ: Мен минорали кранда ишлашга қизиқаман. Шу касбга ишдан ажралмаган ҳолда ҳам ўқиш мумкинми?

Жавоб: Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасининг ўқув комбинатида шу касбга ишдан ажралмаган ҳолда ўқишингиз мумкин. Машғулотлар сентябрь ойидан кечки пайтларда бошланади.

Ўқув комбинати Ш. Руставели кўчасидаги 19-уйга жойлашган. У ерга 7, 9, 11, 14, 24-трамвайларда ва 18, 54-автобусларда борилади.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АҲБОРОТИ

Мўйдин Ҳасанов олти ёшли қизи Насиба билан Луначарский проспектини кесиб ўтиши керак эди. Махсус тўсиқлар ўрнатилмаган жойда кесиб ўтиш хавфсизлигига ишонч ҳосил қилмаган бу киши йўлни шартта ўзбошимчалик билан кесиб ўтишга ҳаракат қилди. Бундан ташқари шу пайтда оддий қоида бўйича қизчасининг қўлидан етаклаб ўтмади. Насиба дадасидан олдинга чопиб ўтиб кетди ва шу пайт В. Сектименко соатига 40 километр тезлик билан бошқариб келаётган Москвич—408 54—34 ТНБ номерли автомобилга бориб урилди. Тезлик юқори бўлмаганлиги учун қизча ҳалокатдан омон қолди. Суяклари синган қизча 17-шаҳар касалхонасига ётқизилди.

❓ ЎҚИЛОН УЧАДИМИ?

◆ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

Ҳурматли редакция! Баъзиларнинг айтишича, ўқилон ўқдек учиб келиб, одамнинг танасини тешиб ўтиб кетар эмиш. Шу гап ростми? Ўқилон ўзи қасрларда учрайди, кўрганим қандай, энёни ва фойдаси борми? Шу тўғрида маълумот берсангиз?

М. ТОЖИБОЕВ. Тошкент область, Янгийўл районининг Гулистон кўчасида истиқомат қилувчи.

Республикамизнинг барча қумли ва гил тупроқли саҳролари, тўқайзорлари, жарлик ва адирларида, тоғ ва тоғ ёнбағирларида жуда хушбичим, қулранг ёки сариғ илонни кўп кўриш мумкин. Одатда унинг танасининг узунлиги бир метр атрофида бўлиб, йўғонлиги бармоқдай келади. Танасининг устидан думига қадар бир тўғри қора чизиқ ўтади. Бу — ўқилондир. Ўрта Осиё, Қозоғистон республикалари, Кавказ ҳамда Афғонистон, Эрон ва Мўғилистонгача кенг тарқалган. Бу илон фақат саҳролардагина эмас, чўлдаги кемирувчиларнинг инида, тоғ этакларида, тошлар орасида ва дарё водийларида қуруқ жойларда ҳам яшайди. Бу илон кундуз куни ҳаёт кечиради.

Ўқилон майда калтакесаклар билан овқатланади. Бошқа илонлар сингари ўқилон ҳам ўз ўлжасини бутунича ютади. Илон калтакесакни тишлаганича оғзидан чиқармай бўғма илон каби дарҳол кулча бўлиб ўралиб, бўғади. Ўқилон майда кемирувчи жонворларни ҳам ейишдан қайтмайди. Ўқилон ўз навбатида ўзидан йирикроқ судралиб юрувчиларга (заҳарли илонларга, эчкимаргага), ҳар турли йиртқич қушларга ва сут эмизувчиларга ем бўлади.

Бу илоннинг гавдаси ингичка бўйи узун ва боши кичкина. У бошқа илонлардек қорнини ерга текизиб судралиб юрмайди, балки ердан кўтариб, бураліб юради. Унинг ҳаракати шу қадар тезки, одам қувиб унга ета олмайди. Шунинг учун бўлса керак, унга ўқилон деб ном берилган.

Биз ҳикоя қилаётган ўқилон ҳақида кўплаб афсоналар тўқилган. Халқ орасида «Ўқилон» учади, у кетмонни ҳам тешиб ўтади, аммо ион улуг бўлгани учун уни тешиб ўта олмайди» деган гапларни кўплаб эшитиш мумкин.

Ўқилон ингичка бўлиб, юқорида айтганимиздек, жуда ҳам чақкон ҳаракат қилади.

У саксовул тепасида ётиб ўз ўлжасига қалтакесакларга сапчийди. Ғаниматини чақконлик билан тишлаб, бўғиб ўлдиради. У бехосдан одамга ташланмайди ва энёи етказмайди. Ўқилонни баъзилар заҳарли деб айтишади. Лекин бу илон заҳарсиз ҳисобланади. У баъзи морфологик хусусиятлари билан заҳарсиз илонлар билан заҳарли илонларни боғловчи оралиқ турлари қаторига киради.

Ўқилоннинг номи хунук бўлса ҳам, ўзи беозор жонивордир.

Т. ЕДГОРОВ,
биология фанлари кандидати.

• *Ҳаваскор гулчиларга*

Сумбулни қандай ўстирса бўлади?

Сумбул ўсимлиги ҳақида кўп эшитганмиз, унинг тўп-тўп бўлиб очиладиган гулларига мафтун бўламиз. Бу гулни уй шароитида ўстириб, гуллатиш мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ҳ. Зайниддинова, З. Комилова,
уй бекалари.

Сумбул (гиацинт) лола гуллилар оиласига мансуб бўлиб, уй ичида гуллатиш учун тез ўсиб кўпаядиган энг яхши пиёзли ўсимликдир. «Султони» деб аталадиган тўда гулларида турли рангларда ва гоят хушбўй 40—50 тагача қўнғироқчалари бўлади. Сумбулнинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навлари бор. Эртапишарлари майда-майда ок рангли гуллар чиқаради.

Сумбул пиёзларини тез ўстириш учун август-сентябрь ойида экилади, гуллаш муддатлари шу кундан белгиланади. Бу ўсимлик илдиз олиши учун 20— 40 кун, вояга етиб гул очиши учун 20— 25 кун вақт ўтади. Демак, экишдан то гуллашга қадар пиёз илдизининг бутун ўсиш даври учун 60—80 кун вақт талаб қилинар экан.

Пиёз илдизлар экиладиган тупроқнинг тўл. қандай бўлиши унча аҳамиятли эмас. Одатда улар қумок чимли тупроққа экилади. Чунки унинг ривожланиши ва гулларни тез ўстириш учун зарур бўлган тўйимли моддалар пиёзнинг ўзида мавжуд. Пиёзларни юмшоқ тупроққа экиш керак. Пиёз ўртасидаги экиш чуқурлиги 10 сантиметр, майда пиёзлар эса 7 сантиметр кенгликдаги тувакларга экилади. Тувакларга тупроқни тўл. газиб солиш лозим. Пиёз илдизларни экишдан кейин уларнинг ён-веридаги тупроқ босилади ва қондириб суғорилади. Тувакларни яшикка жойлаштирилади. Яшик сал қўлрок қум билан тўлгазилади ва температураси 4—6 даражали уйга киритиб қўйилади. Қум температураси ва намлиги бир текисда сақлайди ва ўсимликнинг тез илдиз олишига ёрдам беради. Ниҳоллар қум юзига чиққандан кейин тувакларни яшикдан олинади, қумлари тозаланади ва устига илиқ сув қуйилади.

Ўсиб кетган пиёзлар дераза олдига қўйилади, лекин ёруғдан ҳимоя қилинади ва илиқ сув билан суғориб турилади. Дастлаб ўсимликларга қоғоз қалпоқ кийгизилади. барглари оч яшил ранг олгандан кейин бу қалпоқлар олинади. Барглар пайдо бўлиши биланоқ «Султони» деб аталадиган тўда гуллар ҳам кўрина бошлайди, бир яримикки ҳафта ўтгач, гуллари ҳам очила беради.

Ўсимликни узоқ муддат гуллатиб туриш учун уларни температураси 4—6 даражали хонада тутишга тўғри келади. Гуллаб бўлган пиёзлар июль-август ойига қадар тувакларда қолдирилади ва оз-оздан сув бериб турилади.



«Асаларилар гул оғушида».

Ю. Ботиров фотолари.

Илмий лабораторияларда

«РАНГЛИ ҚЎЙЛАР»

Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-текшириш институтининг бир группа илмий ходимлари «рангли қўй» зотини етиштириш учун юнг учи оқ бўлган қўйларни танлаб олишди. Олимлар бу белгини аста-секинлик билан кучайтириб бордилар. Натижада бутунлай янги— «икки рангли қоракўл қўйи олинди. Ҳозир бўғдой, марварид, қаҳрабо, оқ олтин рангли сурлар маълум.

Табиатда оқ қоракўл қўйи учрамайди. Сўнгги изланишлар натижасида оқ қоракўл қўйини олиш сунъий танлаш соҳасидаги биринчи воқеадир. Бошқа рангдаги қоракўл қўйларини олиш устидаги тажрибалар муваффақият билан якунланди. Сапфир ва кўк рангдаги қоракўл қўйларини олиш олимларимизнинг эзгу ниятларидир.

Ҳозирги кунда оч-қизил рангдаги кўзичоқларни Сурхондарё областидаги Гагарин номидаги хўжаликда учратиш мумкин. Бу ерда уларнинг сони уч мингга боради.

А. РАСУЛОВ,
биолог.

РАССОМ ТАБАССУМИ



УСТА:— Дўхтир, уйингизнинг ремонти тугагунча бюллетенимни яна чўзиб берасиз-да.



ЙИГИТ: — Ула-ўлгунимча сиз билан бўламан дегандингиз, мана районга йўлланма олдим, бирга ишга кетамиз.
ҚИЗ:— Янглишибман, сиз аспирантурада қоласиз деб ўйлагандим.



— Шоқосим, ўғилчанг ишга ярайдиган нап натта йигит бўлиб қолибди-ку.

А. Холиқов расмлари.

• *Олимпиада саҳифасидан*

САККИЗИНЧИ МАРТА

1980 йилдаги олимпиада турнирида совет футболчилари саккизинчи марта иштирок этишади. Уларга майдон эгаси сифатида саралаш ўйинларида иштирок этмасдан бевосита финал учрашувларида қатнашиш ҳуқуқи берилган.


Мамлакатимиз терма командаси шу йилга қадар олимпиада байроги остида 42 учрашув ўтказган. Бу учрашувларда футболчиларимиз рақиблар дарвозасини 95 марта аниқ нишонга олишган. Олимпиада учрашувларида мамлакатимиз терма командаси аъзоси бўлган Всеволод Бобров ва Олег Блохинлар ўзига хос рекорд ўрнатишган. В. Бобров 1952 йилда Югославия терма командаси билан бўлган учрашувда дарвозага учта тўп киритган. Орадан йигирма йил ўтгандан кейин, яъни 1972 йилда Мексика терма командаси билан бўлган учрашувда Олег Блохин ана шу муваффақиятни такрорлаган.

Мамлакатимиз олимпиада терма командасининг аъзолари бўлган В. Иванов, Н. Симонян, С. Сальников, В. Серебрянников, Б. Казанов, Г. Матвеев, Э. Кознинкевич, О. Заназанян, А. Андреасян, О. Блохин, Л. Буряк, А. Минаев, В. Сахаров, Д. Кипиани лар бир учрашувда рақиблар дарвозасига иккитадан тўп киритишга эришганлар.

Олимпиада учрашувларида энг кўп тўп киритган ҳужумчи Олег Блохин ҳисобланди. У рақиблар дарвозасини саккиз марта аниқ нишонга олган. Шу ўринда олимпиада ўйинларида киритилган тўпларни қайси клубларнинг вакиллари киритганлигини эслаш ҳам қизиқарли бўлса керак. Бу жиҳатдан киевлик динамочилар биринчи ўринда туришади. Улар дарвозага 20 марта тўп йўллашган. «Спартак» вакиллари 17, москвалик динамочилар ва торпедочилар 10, «Арарат» вакиллари 8 марта дарвозани аниқ нишонга олишган. Пахтакорчилар ҳам бунга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улар дарвозага иккита тўп киритишган.

• *Дам олиш соатида*

ЧАЙНВОРД



1. Меъморлик. 2. Математика фани асоси. 3. Ҳаво йўли. 4. Ер шарини ўраб олган ҳаво қобиғи. 5. Тошкент аёллар волейбол командаси. 6. Кардош республика. 7. «Йўлдаги йўлдошлар» романининг автори. 8. «Волга-Волга» фильмининг режиссёри. 9. «Қуролланган ва жуда хавфли» фильмининг муаллифи. 10. Энг енгил газ. 11. Шапорин операси. 12. Бокс майдони. 13. Шахматдаги олий унвон. 14. Глинка операси. 15. Сув ости сузувчиси. 16. Астрономик асбоб. 17. «Насриддин Бухорода» фильмининг режиссёри. 18. «Камалак» повестининг автори. 19. Қрим областидаги шаҳар. 20. Аркадий Гайдар туғилган шаҳар. 21. Таниқли рус қутб саёҳатчиси. 22. Болгариядаги шаҳар. 23. Туркия пойтахти.

Тузувчи: Ихом ШОНИЁҒОМОВ.

5 АВГУСТДАГИ «7 ҲАРФЛИЛАР» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Қоракўл. 2. Бодринг. 3. Конверт. 4. Эрмитаж. 5. Квартет. 6. Находка. 7. «Тошкент». 8. Регистр. 9. Охунова. 10. Триполи. 11. Трамвай. 12. Граната. 13 Сарафан. 14. Америка. 15. Третьяк. 16. Алгебра.

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга А. Аюбов, Ҳ. Қорниева, Ж. Эргашев, Ҳ. Маҳмудова, М. Исматуллаев, Н. Гаффорова, М. Хўжаева, Ж. Маҳмидов, Н. Жалолова, К. Қамбаров, С. Бадалов, М. Нурматов, А. Дадажонов, М. Мансурова, И. Рўзиев, Ҳ. Убайдуллаев, А. Абдиев, М. Азимова, М. Абдуллаева, А. Шерқобилов, Ж. Сатторов, А. Раҳмодов, А. Бобоназаров, А. Саъдуллаев, М. Акрамова, М. Абдуллаева, М. Зикриллаева ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб йўллашган. Редакция 100 дан ортиқ жавоб хатлари олди, хат юборган ўртоқларга ташаккур билдирамиз.

СУВ ТАГИДАГИ ЙЎЛ

Планетамизда поездлар ҳаракати учун энг узун туннель қуриш ишлари ниҳоясига етиш олдида. У Япониянинг Хонсю ва Хоккайдо оролларини бир-бири билан боғлайди. Туннелнинг узунлиги 53 километр. Унинг 23 километри денгиз тагидан ўтади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

12 АВГУСТ, 1978 й.

Ҳафталик программа

14 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Ит пичан емас, отга ҳам бермас». Телевизион бадиий фильм (Лопе де Веганинг шу номли комедияси асосида). 1-ва 2-сериялар. 12.05 «Ҳайвонот оламида». 15.00 Покистон мустақиллиги кунига бағишланган кинопрограмма. 15.25 «Композитор Д. Шостакович». 16.10 «Оналарнинг мактаби». 16.40 «Ўрмон ҳақида ўйлар». Телевизион очерк. 17.10 Бошқирдистон АССР Давлат халқ рақс ансамблининг концерти.

17.40 «Ёшлар адреслари». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Учинчи йил — зарбдор йил». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». Кўрсатувда КПСС Калуга область комитетининг биринчи секретари А. А. Кандренков иштирок этади. 19.25 «Опера билан учрашув». Р. Вагнер. «Лоэнгрин». Белоруссия ССР Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Лоэнгрин» спектаклининг давоми. 23.00 «Таллин Олимпия олдидан». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Болалар учун мультфильмлар программаси: «Ёшил эртак», «Дўстлар», «Алдаркўса». 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Нурафшон давра» (рус.). 18.50 «Замондош билан юзма-юз» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати. Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхознинг «Шодиёна» ашула ва рақс халқ ансамбли ижро этади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Урие Керменчекли ва Севзи Белялов концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». Бир миллион 200 минг тонна «қаҳрабо дон» учун». 22.15 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 1-серия. «Андрей Болконский». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Ўлик мавсум». Бадиий фильм. 1-серия. 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «К. Сергеев. Хореография саҳифалари». Фильм-концерт. 21.25 «Ленинграддан репортаж». Телевизион фильм (рус.).

15 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Опера билан учрашув». Р Вагнер. «Лоэнгрин». Белоруссия ССР Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли. 15.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 «Тарих саҳифалари». 16.25 «Она-ерим, сенга меҳрим». Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари Бутунроссия слётидан репортаж. 16.55 «Верасы» вокал-чолғу ансамблининг концерти.

17.15 Болалар учун. «Чексиз муҳаббат сўқмоқлари бўйлаб». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Ҳиндистон Мустақиллиги кунига. «Мангу ва янги Ҳиндистон». Кинопрограмма. 19.30 Бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. Свердловскдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Мен бахтли одамман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Поэзия» альманахи. 23.20 М. Светлов шеърларига М. Таривердиев ёзган қўшиқларни Г. Беседина ва С. Тараненко ижро этадилар. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Лёньканинг таътиллари». Болалар учун телевизион фильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ пионер ёзи» (рус.). 18.45 «Партия ходими минбари». 19.00 «Бугун — Ҳиндистон мустақиллиги куни». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Кино усталари». Кинодраматург О. Агишев (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Сабо етқур саломимни». Концерт. 21.30. Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!» «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.15 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 2-серия. «Наташа Ростова». 23.15 Кўрастувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Ўлик мавсум». Бадиий фильм. 2-серия. 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Бу мангу безоволатлик». Фильм-концерт. 21.00 «Йўлда». Телевизион бадиий фильм (рус.).

16 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Бир минутлик сукунат». Бадиий фильм. 11.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 13.00 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 15.50 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Абрамцево. 16.20 «Цимбаллар янграсин!». Концерт. 16.45 «Адабий ўқиш». 17.35 «Жонажон табиат».

18.00 «Гэрчилар, қаердасиз!» 18.30 Янгиликлар. 18.40 А. Лядов. «Сеҳрли кўл». 18.50 «КПСС Марказий комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга». «Ўрим-йиғим техникасини такомиллаштирайлик». Телевизион очерк. 19.10 «Воронеж яланглиқлари». Воронеждан концерт олиб кўрсатилади. 19.40 «Инсон ва қонун». 20.10 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. Л. Н. Толстой. «Болалик». Кўп серияли телевизион спектакль. 1-қисм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Л. Бетховеннинг скрипка ижроси учун ёзган соналарини Леонид Коган ижро этади». Фильм-концерт премьераси. 23.05 «Баландликка ҳужум». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Олтин калитча». Бадиий фильм. 12.15 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус.). 12.45 «Биз Костаков қишлоғиданмиз». Телевизион фильм (рус.). 13.05 «Хевсур қиссаси». Бадиий фильм. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш куч». Спорт кўрсатув.

18.30 «Кругозор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 19.00 «Ривожланган социализм шароитида КПССнинг аграр сиёсати». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Рояль олдидаги суҳбат». 2-кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «СССР Конституциясининг йиллигига беш йилликнинг уч йиллик планини бажарамиз». 22.15 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 3-серия. «1812 йил». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Сўнгги пушаймон». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Тошкент» телепрограммаси. «Пойтахт области далаларида». 21.05 «Пирогов ҳақида ҳикоялар». Адабий портрет (рус.). 21.45 «Классик куй саҳифалари».

17 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Поляк харцерлари «Говенда» ансамблининг концерти. 10.40 Л. Н. Толстой. «Болалик». Кўп серияли телевизион спектакль. 1-қисм. 12.00 «Ёшлар адреслари». 15.00 СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 15.45 «Чарм тўп» клубининг соврини учун». 16.30 Лирик қўшиқлардан концерт. Киевдан олиб кўрсатилади.

17.00 Болалар учун. «Қизча отасини излайди». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Мен кимман?», «Юган тутган бола». Мультфильмлар. 19.00 «Халқ чолғу асбоблари оҳанглари». Балалайка. 19.45 «Фан оламида». Кўрсатувда Ленин мукофотининг лауреатлари, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Ю. А. Овчинников ҳамда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Т. Иванов иштирок этадилар. 20.15 И. С. Бах. 2-Бранденбург концерти. Лейпциг «Гевандхауз» ансамбли оркестрининг солистлари ижро этадилар. Дирижёр — Г. Боссе. 20.30 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. Л. Н. Толстой. «Усмирлик». Кўп серияли телевизион спектакль. 2-қисм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Алкоголизмнинг зарари ҳақидаги ҳужжатли фильмлар программаси. 22.40 «И. Архипова концертлари». 5-кўрсатув. 23.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Менинг филчам бўл». Болалар учун телефильм. 18.15 «Партия планлари — халқ планлари» (рус.). 18.45 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Меҳнат семестрига «аъло» баҳо». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 ВЛКСМ 60 йиллигига. Халқ ҳаваскорлик драма театрларининг кўриги. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Клара Жалилова СССР халқларининг қўшиқларини ижро этади. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.15 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 4-серия. «Пьер Безухов». 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 А. Н. Островский. «Мўмай пуллар». Телевизион спектакль. 1-қисм (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Реклама. 20.45 «Тошкент» телепрограммаси. Собир Раҳимов районидаги мусобақадош корхоналарида. 21.15 Бадиий ўқиш «СССР халқ артисти И. Ильинский А. П. Чеховнинг ҳикояларини ўқийди».

18 АВГУСТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Тошгул». Мультфильм. 10.25 Москва мактаблари ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ижросида рус шоирларининг шеърлари. 11.10 Л. Н. Толстой. «Усмирлик». Кўп серияли телевизион спектакль. 2-қисм. 12.10 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Академик рус халқ чолғу оркестрининг концерти. 15.00 «Экран» ижодий уюшмаси телевизион ҳужжатли фильмлари программаси. 15.50 «Шахмат мактаби». «Шахмат тарихидан». 7-кўрсатув. 16.20 «Москва ва москваликлар». 16.50 «РСФСР халқ артисти Е. Райков куйлайди». Фильм-концерт. 17.15 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

18.00 «Жасорат». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 18.55 «Депутатлик ишлари». 19.25 «Жаҳон халқларининг ижоди». Ҳиндистон санъати. 19.55 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. Л. Н. Толстой. «Ёшлик» Кўп серияли телевизион спектакль. 3-қисм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кинопанорама». 23.30 «Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари». 00.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 11.30 Болалар учун. «Биз — қизиқувчилармиз». Телевизион спектакль (рус.). 12.15 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 12.45 «Халқ ижоди». Гўр-ўғли ва Бозургон». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист У. Муродов ижро этади.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Кекса бўри ва Пуфик». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.15 «Ҳаёт каби тирик». 18.45 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомоллари» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Осетия куйлари». Фильм-концерт. 19.50 «Ижод саҳифалари». Миртемир. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зоҳид Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 «Дурангсиз ўйин». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 А. Н. Островский. «Мўмай пуллар». Телевизион спектакль. 2-қисм (рус.). 19.55 Тошкент янгиликлари. 20.15 «Тошкент» телепрограммаси. «Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни». 20.45 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги Бутуниттифоқ кўриги давом этмоқда». 21.05 «Надежда Обухова». Фильм-концерт.

19 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Дулево шаҳар болалар хореографик ансамблининг концерти. 10.20 «Оталар, Сизлар учун». 10.50 Л. Н. Толстой. «Ёшлик». Кўп серияли телевизион спектакль. 3-қисм. 12.20 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 13.20 «Спортлото» тиражи. 13.35 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 14.05 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 14.50 Совет композиторларининг учувчилар ва космонавтлар ҳақидаги қўшиқлари. 15.10 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 15.45 «Сиз бунга қодирсиз». 16.45 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 17.00 Мультфильмлар программаси: «Сеҳрли қалпоқча», «Мен уни қаерда кўрганман», «Юмронқозиқ ва транзистор».

17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «1978 йил қўшиқлари». 19.15 «Апрель ойидаги икки кун. Революция ҳақида репортаж». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Автор — Ф. Сайфуль-Мулюков. 20.15 «Гварнери квартети». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Голубой огонёк» саҳифаларида. 23.05 СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 23.40 «Рақс куйга айланиши учун». Фильм-концерт. 00.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 «Иккинчи истеъдод». Концерт. 11.20 Болалар учун телевизион театр. Х. Тўхтабоев. «Беш болали йигитча». 1-қисм. 12.05 «Ота-оналар университети». 12.35 Болалар учун телевизион театр. Х. Тўхтабоев. «Беш болали йигитча». 2-қисм. 13.30 «Ёш киноҳаваскорлар клуби». 14.30 «Телевидение экранида биринчи марта». «Довюрак болалар автомобиль пойгасида». Бадиий фильм (рус.).

17.20 Кўрсатувлар программаси. 17.25 «Шоирлар — болаларга». 17.55 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида» (рус.). 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен — Совет Иттифоқи гражданиман». 18.55 Халқаро масалалар бўйича шарҳловчилар телетомошабинларнинг саволларига жавоб берадилар. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Оила даврасида». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 К. Яшин. «Бухоро». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Кўрсатув тугагач кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Устод юбилейи». Ҳужжатли фильм. 17.55 «Ғунчахон санъат». Болалар учун концерт. 18.15 «Кинокамера билан саёҳат». 19.15 «Новости» информацион программаси. 19.30 Ёшлар учун ҳарбий-спорт программаси. 20.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 20.45 «Ахборот» информацион программаси. 21.10 «Аёл бахти». 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

20 АВГУСТ — ЯКШАНБА

СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар программаси: «Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган...», «Капитан». 13.00 «Музикали киоск». 13:30 «Қишлоқ янгиликлари». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». 14.30 «Театр спектакли». Б. Шоу. «Пигмалеон». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 16.00 «Халқаро панорама». 16.30 «Бугун — СССР Ҳаво флоти куни». Ҳарбий Ҳаво кучлари Бош қўмондони, СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, Авиация Бош маршали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. С. Кутахов сўзи. 16.45 «Хатларингиз асосида». СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган музикали программа.

17.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Парвоз давом этади». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Авторлар — СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Г. Гречко ва СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. Романенко. 20.15 «Гварнери квартети». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Киев). «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Дам олиш концерти. 11.30 «Кўргазма заллари бўйлаб» (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 СССР Ҳаво флоти кунига. «Учишга рухсат этинг». Бадиий фильм. 14.35 «Кинокўзгудаги ҳаёт». (рус.). 15.15 «Ўзбекистонда спорт». (рус.). 15.45 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун. «Юлдузча». 18.05 «1978 йил шашка юлдузлари». Тошкентдаги халқаро турнир якунларига оид кўрсатув. 18.30 «Бугун — СССР Ҳаво флоти куни». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Телевизион миниатюралар театри. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 Ўзбекистон санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. Кремль Съездлар саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахта йиғим-теримига ҳамма нарса шайми?». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.15 Ўзбекистон санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти (давоми). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Экран — болаларга». 16.45 «Бугун — СССР Ҳаво флоти куни». «Қанотли бўлиш ҳуқуқи». «Само кўрикчилари». Телефильмлар. 17.55 «Инсон ва табиат». 18.20 «Новинки» киноклуби. 19.40 Дам олиш концерти. **Қирғиз тилида:** 20.30 К. Сактанов. «Охирги сўз». Телевизион спектакль». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Комедия фильмлари экрани». 23.10 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

Ўзбек Давлат филармонияси
М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
(ёзги театрда)
12, 13 АВГУСТ СОАТ 20.00 ДА
БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИК-КОНКУРСИНИНГ ДИПЛОМАНТИ
ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК

«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТИ


ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Гулсара ЁҚУБОВА
Карфагенда бўлиб ўтган VIII Жаҳон фестивалининг лауреатлари
Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА ва Урбугул СУЙЕРБОЕВА
Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА, Олмагул СУЙЕРБОЕВА ва бошқалар.
ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери— Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА.
Музика раҳбари —Нажот ТЎРАХЎЖАЕВ.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
(ёзги театрда)
12 АВГУСТДАН 30 АВГУСТГАЧА
ҲАР КУНИ КЕЧ СОАТ 19.00 ДАН
(якшанба кунлари соат 12.00 ва 19.00)
Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик коллективлари кўригининг лауреати, Ўзбекистон дорбозлар кўригининг ғолиби
ЎЗБЕК ПАҲЛАВОНИ ЖЎРАХЎЖА НОРХЎЖАЕВ РАҲБАРЛИГИДАГИ
НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ДОРБОЗЛАРИНИНГ

КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ

ПРОГРАММАДА: катта дор, кичик дор, дор остида масхарабозлик, ёғоч оёқ ва от ўйинлари, дор устида мураккаб ўйинлар.
Ўзбек паҳлавони Жўрахўжа НОРХЎЖАЕВНИНГ оғир вазнли тош ўйинлари (янги программа билан-занжир узиш, оғир юк машиналарини кўтариш, бирданига 2 та отни кўтариш ва шу каби мураккаб ўйинлар).
ДОР ЎЙИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР РАДИОТРАНСЛЯЦИЯ ТАРМОҒИ



ТОШКЕНТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ

янги бунёд этилган замонавий уйларнинг квартиралари 3 программали радио точкалари билан жиҳозланган.

Радиотрансляция точкасидан фойдаланиш ҳақи, квартирадаги радио точкаларнинг сонидан қатъий назар бир ойга 50 тийин абонент ҳақи тўланади.

Квартирада радиоточканинг симлари узилган ёки ўрнатилмаган бўлса квартиранинг эгаси ана шу ҳақда буюртма бериши мумкин.

Радиотрансляция тармоғи қулай, ишончли ва тежамли бўлиб, марказий ва маҳаллий радио эшиттиришларни бегона шовқинларсиз тиниқ эшиттириш имконини беради.

Тошкент шаҳар радио трансляцияси тармоғида, радио точкаларни ўрнатиш ва ишга тушириб бериш юзасидан барча справкалар ва аризалар қабул қилинмоқда.

Радиотрансляция тармоғининг адреси: Академик Сулаймонова кўчаси, 31-уй, корпус 9 «а»-уй. Телефонлар: 33-26-32 33-71-01.

Радио тармоқларининг абонентлари учун радио точкаларнинг бузилганлиги тўғрисида буюртма қабул қиладиган бюро кеча-ю-кундуз ишлайди (Телефон: 33-17-10).

КЎП ПРОГРАММАЛИ РАДИОТРАНСЛЯЦИЯ ТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР РАДИОТРАНСЛЯЦИЯ ТАРМОҒИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
1-пойафзал фабрикаси қошидаги
143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ **пойафзал бошлиғини бичувчи** (ўқиш муддати — 2 йил). **чарм кесувчи** (1 йил). **заготовка тикувчи** (2 йил). **силлиқлаш ишини бажараоладиган пойафзал фрезерчиси** (1 йил). **пойафзал деталларини мустаҳкамлаш ишини биладиган пойафзал затяжкачиси** (2 йил). **контролёрлар** (2 йил). **слесарь-ремонтчи** (2 йил). **пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи** (1 йил). **аёллар чарм сумкаларини тикувчи** (1 йил).

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият уйи ва унда туристик, спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўлиб, уч маҳал овқат, кийим-бош, практикада ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Билим юртига 8—9—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза. маълумоти ҳақидаги ҳужжат. туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт. турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справкалар. 6 та фотосурат (3х4 см.). ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар. Богдан Хмельницкий кўчаси 6-уй (84, 131, 122, 103-автобуслар, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати).

КИНО

12 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Эй, бахтли инсон!** (18.00).

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «ЧАЙКА» (18, 20, 21.30), «НУКУС» (19, 21.00).

Жандарм уйланади — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00).

Афсоналар ҳоки-туроб бўлганда — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.40, 22.20).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

12 АВГУСТ— ШАНБА

БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Тошгул». Мультфильм. 19.10 «Ясная Полянада баҳор». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.20 «Ит пичан емас, отга ҳам бермас». Телевизион бадиий фильм (Лопе де Веганинг шу номли комедияси асосида). 1 ва 2-сериялар. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР кубоги. Финал. «Шахтёр»— «Динамо» (Киев). «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. 23.30 «Кўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». «Кўрсатуви саҳифаларидан». Телетомошабинларнинг хатлари асосида концерт. 00.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.30 «Биз— қизиқувчилармиз». Болалар учун телеспектакль премьераси (рус.). 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 18.45 «Оламда нима гап?». Халқаро программа. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Бутуниттифоқ Физкультурачилар кунига. «Миллионлар байрами». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг солисти Мавлуда Ойнақулова куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари— ҳаётга!». «Ҳосилни фақат машиналарда териб оламиз». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.15 «Кумуш тренер». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

13 АВГУСТ— ЯКШАНБА

ҚУРУВЧИЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!». 9.55 «Музикали киоск». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 С. Туликов қўшиқлари мавзуига ёзилган увертюра-фантазиялар. 12.10 «Бугун— қурувчилар куни». Кўрсатувда Транспорт қурилиши министри И. Д. Соснов иштирок этади. 12.40 «Хатларингиз асосида». Қурувчилар кунига бағишланган музикали программа. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». 14.30 «Театр спектакли». А. Арбузов. «Кекса Арбатнинг эртаклари». А. С. Пушкин номли Ленинград Давлат академик драма театрининг фильм-спектакли 17.10 «Халқаро панорама». 17.40 «Гап мукофотда эмас». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Кўзгудаги акс». Мультфильм. 18.55 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.55 «Лўлилар қўшиқлари». Концерт. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. «Тирилиш» романидан боблар. СССР халқ артисти П. Массальский ўқийди. Фильм-концерт премьераси. 23.10 С. Рахманинов. «Тўрт прелюдия». 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Биз — Фарғонаданмиз». Фарғона области бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. 11.40 «Бепоён Ватаним менинг!». «Куёшли водий шаҳри». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.30 «Ўртоқ бригада». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 14.05 «Оналарнинг мактаби». 14.35 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус.). 15.05 Реклама.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.05 «Ҳажвиялар» телевизион театри. 18.45 «Болалар ҳақида ғамхўрлик қилиб» Фарғона область мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг иш тажрибаси ҳақида. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Бугун— қурувчилар куни». 19.50 Қурувчилар кунига бағишланган Ўзбекистон санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Қурувчилар кунига бағишланган концертнинг давоми. 21.30 Москва «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Дилдан куйлаб ўйна қувнаб». Ота-оналар учун болалар концерти. 22.50 «Телевидение экранида биринчи марта». «Йилнинг тўрт фасли». Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
12 АВГУСТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан. мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95. спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р. 13099. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1378.